

ХИМОЯЛАНГАН МАЙДОНЛАРДА ГИЛОС ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Фарход Мамадиёрович Жўраев
Тошкент давлат аграр университети ассистенти
E-mail: Farrux201313@mail.ru

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон гилос етиштириш ва уни экспорт қилиш. Гилосни химояланган майдонда етиштириш технологиясини самарадорлигини баҳолаш масалалари кўриб чиқилган. Гилос етиштиришда инновацион технологияларни жорий этиш самарадорлиги кўрсаткичлар орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилган. Тошкент давлат аграр университети ахборот-маслаҳат марказида интенсив гилос боғларини химоялаш бўйича таклиф ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: интенсив боғдорчилик, инновацион технологиялар, самарадорлик, ҳосилдорлик, мева, гилос, химояланган майдон, даромад, фойда, таннарх, рентабеллик даражаси.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы оценки эффективности технологий используемые в выращивании черешни в защищённом грунте, а также вопросы экспорта и выращивания черешни в Узбекистане. Эффективность внедрения инновационных технологий в выращивании черешни рассчитывалась с помощью показателей эффективности. В статье даны рекомендации и предложения по защите интенсивных черешневых садов выращиваемых в информационно-консультационном центре Ташкентского государственного аграрного университета.

Ключевые слова: интенсивное садоводство, инновационные технологии, эффективность, плодоводство, черешня, защищённый грунт, доход, прибыль, затраты, уровень рентабельности.

Abstract. The article discusses the issues of assessing the effectiveness of technologies used in the cultivation of sweet cherries in greenhouses, as well as the issues of export and cultivation of sweet cherries in Uzbekistan. The effectiveness of the introduction of innovative technologies in the cultivation of sweet cherry was calculated using performance indicators. The article gives recommendations and suggestions for the protection of intensive cherry orchards grown in the information and consulting center of the Tashkent State Agrarian University.

Keywords: intensive gardening, innovative technologies, efficiency, fruit growing, cherries, protected soil, income, profit, costs, profitability level.

Кириш

Ўзбекистон гилос етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича АҚШ, Чили, Туркия ва Европа иттифоқидан кейин еттинчи ўринда туради. Маълумотларга қараганда, айни пайтда мамлакатимиздаги гилосзорлардан йилига 200 минг тоннага яқин ҳосил олинади. Унинг 30 минг тоннадан ортиғи хорижий харидорларга жўнатилмоқда [17].

2016-йилдан 2018-йилгача бўлган даврда гилос ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар рўйхати озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти корпоратив статистик маълумотлар базасига асосланиб тузилган. Дунё бўйича 2018 йилда умумий ишлаб чиқариш ҳажми 4,076 минг.тоннани ва 2017 йилда 3,611 минг.тоннани ташкил этиб 12,9 фоизга ошган [18].

Ўзбекистон гилос етиштирувчи мамлакатлар кучли ўнталигига 2006-йилда кирган. Катта ўсиш 2015-йилдан кузатиб келинмоқда. Хусусан, 2019-йил натижаларига кўра, Ўзбекистон гилос етиштириш бўйича Туркия, АҚШ ва Европадан сўнг тўртинчи ўринни эгаллади.

2020-йилда 23,5 минг тонна (48 миллион АҚШ доллари миқдорида) ўзбек гилоси ташқи бозорларга экспорт қилинган [19].

Охириги 2-3 йил давомида табиий иқлим шароити яъни совуқ уриши, ёғингарчилик туфайли гилосни ҳосилдорлиги 30-40 фоизи нобуд бўлган. Ваҳоланки гилос етиштиришда агротехник тадбирларни ўтказиш учун анча мунча сарф харажатлар қилинган. Ушбу вазият юзасидан боғдорчиликда баҳор фаслида меваларни асраш мақсадида инновацион ресурстежамкор технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йиллардаги ҳимояланган майдон соҳасидаги катта ютуқлардан бири, бу полиэтилен плёнкасининг яратилиши ва уни турли шаклдаги иссиқхоналар ҳамда ҳимояланган майдонларни ёпишда кенг миқёсда қўлланилишидир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган плёнкаларнинг сифати яхши, бакувватлаштирилган бўлиб, ушбу плёнкалардан 3-5 йилгача фойдаланса бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Хорижий олимларнинг кўпгина илмий ишлари инновацион технологияларни иқтисодий баҳолаш муаммосига бағишланган. Жумладан, Ж.О.Ланжув, А.Пэйкс инновацион технологияларни патентли баҳолаш [10, 11] нуқтаи назаридан ёндашиб, бу ҳолатда инновацион технологияларни номоддий активлар сифатида таърифлайди. П.Х.Сулливан [12] капитални интеллектуал бошқариш доирасида интеллектуал қўйилма билан белгиланадиган технологияларнинг қийматини баҳолашни иккиланган мураккабликка эга бўлган парадигма (икки парадигманинг мураккаблиги), яъни ишланмани яратиш ва тугатиш муаммоси сифатида талқин қилади.

Инновацион технологияларни баҳолашда инновацияларни тарқатиш тизимининг ривожланганлик даражаси эътиборга олиниши лозим бўлиб, бу масала биринчи бор Т.Хегерstrand томонидан [13] инновацион технологияларнинг маконда тарқалиш назариясида тавсифланган. Е.Роджерснинг [14] тизимлаштиришига биноан эса инновацияларни тарқатиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1) амалиётга жорий қилишга имкон берувчи билим; 2) назарий жиҳатдан амалий билимни ҳаётга татбиқ қилишга ишонч; 3) назарий билимнинг мавжуд муаммоларни ҳал қилувчи ишланмага айланиши; 4) инновацион ишланмани ҳаётга татбиқ қилиш; 5) инновацион ғояни эмпирик тасдиқлаш.

Инновацион технологияларни иқтисодий баҳолаш усуллари тадқиқ этиш Н.П.Арчер, Б.Х.Холл, [15, 16,] каби олимларнинг асарлари предметига айланган бўлиб, уларнинг ишлари инновацион технологияларни баҳолаш учун муайян қоидалардан фойдаланиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигин баҳолаш масалалари бўйича республикамиздаги олимлардан Н.С.Хушматов, К.А.Чориев, Т.Х.Фармонов, Ф.Х.Назарова, С.Р.Умаров, Ш.Б.Ф.Султанов, М.Х.Саидов, Ш.Т.Хасанов, И.Б.Рустамовалар томонидан ўрганилган.

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари номли қўлланмада қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари, қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурстежамкор технологияларни иқтисодий

баҳолаш кўрсаткичларини (индикаторларни) тизимлаштириш масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни асосий йўналишлари, инновацион технологияларни иқтисодий баҳолашнинг концептуал модели, услубиёти, инновацион технологияларни ўлчашнинг методологик ёндашувлари баён этилган [3].

Аграр соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари номли монографияда аграр соҳада инновацион фаолият ва унинг асосий йўналишлари, инновацион жараён, инновацион лойиҳа, инновацион маҳсулот каби тушунчаларга илмий-назарий қарашлар баён этилган [2].

Қишлоқ хўжалигини инновациялар асосида модернизациялаш самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар индустриал ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларига таянган ҳолда республикамиз қишлоқ хўжалигини инновацион модель асосида модернизациялашни ташкил этишнинг зарурлиги ҳамда унинг асосий йўналишларини асослаб бериш ва самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишланган [7].

Инновациявий техника ва технологиялар самарадорлиги ва унда техник-иқтисодий тадқиқотларнинг ривожлантирилиши номли мақолада қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар самарадорлигини баҳолашда техник иқтисодий таҳлилий аҳамияти ва назарий-услубий жиҳатлари кўриб чиқилган [5].

Юқорида қайд этилган миллий ва хорижий иқтисодчи-олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурс-тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлар тизимининг услубий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳам алоҳида ўрин эгаллаган ва мазкур олимлар томонидан ҳар хил самарадорлик турлари бўйича баҳолашга ёндашувлар қўлланган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг жорий қилинаётган ресурстежамкор технологияларини баҳолашда инновацион асосда такрор ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга ёрдам берадиган омиллардан бири эканлиги нуқтаи назаридан ёндашилади. Жорий қилинаётган технологиянинг натижаларини баҳолашга ҳам шуну нуқтаи назардан ёндашилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуби ҳамда иқтисодчи олимларнинг инновацион жараёнларга оид илмий ғоялари, қарашлари хизмат қилди. Мавжуд турли илмий ёндашувларга таянган ҳолда, биз Тошкент вилояти Кибрай туманида жойлашган Тошкент давлат аграр университетининг ахборот-маслаҳат марказида 13 сотих ер майдонида экилган гилос маҳсулотларини баҳор фаслида глобал иқлим шароити ўзгариши, каттик шамол ва ёмғирардан асраш учун инновацион технологияни жорий этиш ва иқтисодий самарадорлигини асослашни амалга оширдик.

Таҳлил ва натижалар

Гилосни ҳимояланган майдонда етиштириш технологиясини самарадорлигини баҳолаш қуйидаги изчилликда бажарилган:

1. Инновация жорий этиладиган объектни танлаш;
2. Технологияни тавсифлаш;
3. Иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш [3, 6].

1. Инновация жорий этиладиган объектни танлаш. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-маслаҳат марказида (extension center) гилосни “Валовое сердце”, “Баҳор”, “Лопис” навлари 2019 йилда экилган бўлиб, 2022 йилдан бошлаб ҳосил олиш режалаштирилган. Режалаштирилаётган ҳосилни нобудгарчилигини олдини олиш мақсадида “Мевачилик ва ўзумчилик” кафедраси мудир профессор И.Т.Нормуратов томонидан боғдорчилик маҳсулотларини ҳимояланган ерларда етиштиришнинг инновацион технологиясини таклиф этган.

2. Технологиянинг тавсифи.

Технология тавсифи ва афзалликлари:

1. Мевачиликда қўлланиладиган интенсив технологиялар асосида яъни ҳимояланган ерларда гилос етиштиришни йўлга қўйиш.

2. Гилос боғларини эрта баҳорги аёзли совуқлардан ҳимоялаш.

3. Гилос меваларини тўкилиши ва ёрилишини ҳар хил табиий офат (ёмғир, дўл, қор, шамол) лардан ҳимоялаш.

4. Гилос дарахтларига сурункали ёғингарчилик сабабли келиб чиқадиган хар хил замбуруғли касалликлардан ҳимоялаш.

Юқорида келтирилган омиллар ҳимояланган ерларда гилос меваларини ҳосилдорлигини кўпайтиришда, сифат кўрсаткичларини оширишда ҳамда гилос дарахтларини турли хил касалликларидан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

3. Боғдорчилик маҳсулотларини ҳимояланган ерларда етиштиришнинг инновацион технологияси иқтисодий баҳолаш

Мевачиликда қўлланиладиган интенсив технологиялар асосида яъни ҳимояланган ер майдонини тайёрлаш учун устунлар, оёклар ва дугалар учун трубалар ва плёнка материаллари талаб этилади. Муаллиф томонидан инновацион технологияни самарали эканлигини асослаш ва жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган услубият ёрдамида гилос етиштиришда ҳимояланган ер майдонини тайёрлаш бўйича ҳаражатлар 1-жадвалда келтирилган [3].

1-жадвал

Гилос етиштиришда ҳимояланган ер майдонини тайёрлаш бўйича ҳаражатлар таркиби

№	Ҳаражат турлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи сўм	Қиймати 13 сотих учун минг сўм	Қиймати 1 гектар учун минг сўм
1	Устунлар учун трубалар (диаметр 20 мм)	м	500	16000	8000	61600
2	Дугалар учун трубалар (диаметр 15мм)	м	1000	13000	13000	100100
3	Оёклар учун трубалар (диаметр 25мм)	м	250	20000	5000	38500
4	Болт	дона	1600	600	960	7392
5	Плёнкани ўшаб туриш учун зажим	м	640	3300	2112	16262,4
6	Трубани ўшаб туриш учун зажим	дона	960	700	672	5174,4
7	Плёнка	кг	120	23000	2760	21252
	Жами				32504	250280,8

Диаметри 20 мм устунлар учун трубаларни бир бирлик нархи 16-19 минг.сўмни, диаметри 15 мм дугалар учун трубаларни бир бирлик нархи 13-16 минг.сўмни, диаметри 25 мм оёкчалар учун трубаларни бир бирлик нархи 20-25 минг.сўмни ташкил этмоқда.

Тошкент давлат аграр университети Ахборот-маслаҳат марказида (extension center) гилосни “Валовое сердце” нави 6 сотих, “Баҳор” нави 3 сотих, “Лопис” нави 4 сотихни ташкил этган.

Бир гектар ердан 100-150 центнер гектарига гилос маҳсулотлари олиш режалаштирилган. Умумий ялпи ҳосил 10-15 тоннани ташкил этади.

Бир гектар ерда етиштирилган гилос ҳисобига 700 млн.сўмлик даромад олинади.

Гилос етиштиришда 13 сотих учун 1та доимий ишчи ва йиғим терим учун 2та ишчи жалб этилади. Йиғим терим ишлари учун ишчи бир кунда 1та теримчи 50 кг гилос теради ва 1 кг учун иш ҳаки 1500 сўм белгиланган бўлиб 15 кун мобайнида 1та теримчи учун 1 кун учун 75 минг сўм, 15 кун учун 1125 минг.сўм иш ҳаки белгиланади. Минерал ўғитлар ҳаражатлари 13 сотих учун 489,2 минг.сўмни, бир гектар учун 3768 минг.сўмни ташкил этади. Кимёвий восита ҳаражатлари 13 сотих учун 851,9 минг.сўм, бир гектар учун 6560 минг.сўмни ташкил этмоқда.

Кўчат ҳаражатлари 13 сотих учун 9821,6 минг.сўмни, бир гектар учун 75551 минг.сўмни ташкил этди. 1 гектар ер майдонига 900-1000 түп кўчат экилади. Битта кўчатни нархи 6 евро, 1 евро 06.07.2021 йилда 12591,9 сўм. Яъни 1та кўчат нархи 75,5 минг сўмни ташкил этади. Бир гектар ер майдонига 1000 дона гилос кўчати экилади.

Ёнилғини бир бирлик нархи 7100 сўмни ташкил этиб, бир гектар ер майдонига умумий 1704 минг.сўмлик ҳаражат килинади. Химияланган ер майдонида гилос етиштиришнинг ҳаражатлар сметаси ва иқтисодий самарадорлиги 2-3 жадвалда ўз аксини топган.

2-жадвал

Ҳаражатлар сметаси.

(минг.сўм)

№	Кўрсаткичлар	Қиймати 13 сотих учун , минг.сўм	Қиймати 1 га учун
1	Меҳнат ҳаки	23850	27225
2	Минерал ўғитлар	489,4	3768
3	Қимёвий ҳимоя	851,9	6560
4	Кўчат	9821,6	75551
5	Ёнилғи мойлаш материаллари	221,3	1704
6	Сервис хизматлари	218,2	1680
7	Солиқ	97,4	750
8	Сув солиғи	49,1	378
9	Бошқа ҳаражатлар	67,5	520
	Жами ҳаражатлар	35666	118136

3-жадвал

Инновацион технологияни жорий этиш ҳисобига олинган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	минг.сўм	
		13 сотих учун	1га учун
1	Даромад	91000	700000
2	Маҳсулот ишлаб чиқаришда жами ҳаражатлари	35666	118136
3	Ўз маблағи ҳисобига ҳимояланган ер майдонни куриш ҳаражатлари	32504	250280,8
4	Ялпи фойда	22830	331583,2
5	Маҳсулот таннари	52,4	36,8
6	Рентабеллик даражаси, %	33,5	90,0
7	Киритилган инвестицияларни коплаш муддати, йил	0,36	0,36
8	Маҳсулотни сотиш баҳоси	70	70

Ушбу ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики гилос етиштиришни ривожлантириш фаолиятидан 13 сотихдан 22,8 млн.сўм, бир гектардан эса 331,6 млн. сўм соф фойдага эга бўлиши кузда тутилмоқда. Гилос маҳсулотини етиштирувчи ўз маблағи ҳисобига киритган инвестициялар 3-4 ойда копланди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, гилосни ҳимояланган майдонда етиштириш технологиясини жорий этиш ҳисобига ҳимояланган ерларда гилос меваларини ҳосилдорлигини, сифат кўрсаткичларини оширишда ҳамда гилос дарахтларини турли хил касалликларидан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Гилос мевасини ҳимояланган майдонда етиштириш ҳисобига фойдалилик даражаси 90 фоизни ташкил этган.

Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётган даврда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи инновацияларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодиёт ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучга айланганлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Драгайцев В.И., Морозов В.М. Методика экономической оценки технологий и машин в сельском хозяйстве. – М.: 2010, -146 с (6-7 с), (18с)
2. Мухторов А.Х., Султанов Б.Ф, Саиджонов С.Ж. Аграр соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (монография-Тошкент, ҚХИИТИ, 2014.-98 бет.
3. Рустамова И.Б, Хушматов Н.С, Саидов М.Х, Ашурметова Н.А, Галимова Ф.Р, Турсунов Ш.А. Жўраев Ф.М, Нурбекова Р.А. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолашнинг методологик асослари. Қўлланма - ТошДАУ Таҳририят-нашриёт бўлими. 2019, 87 бет

4. Рустамова И.Б. “Қишлоқ хўжалигида техника ва технологияларни иқтисодий баҳолаш” бўйича тавсиялар. ТошДАУ нашр таҳририяти. 2016 й. 80 б.

5. Саматов Г.А., Рустамова И.Б. Инновациявий техника ва технологиялар самарадорлиги ва унда техник-иқтисодий тадқиқотларнинг ривожлантирилиши. Иқтисодиёт ва таълим. №1 2015 г 48-52 б.

6. Хушматов Н.С, Рустамова И.Б, Жўраев Ф.М, Нурбекова Р.А. Ўсимликчилик тармоғида инновацион, ресурс-тежамкор технологияларни иқтисодий баҳолаш бўйича тавсиялар. Тавсиялар.-ТошДАУ Таҳририят-нашриёт бўлими. 2019, 60 бет

7. Чориев К.А. Қишлоқ хўжалигини инновациялар асосида модернизациялаш самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар.-Т.: ЎзБИИТИ, -2013 35 б.

10. Lanjouw, J. O., Edvinsson, L., Malone, M. (1997). Intellectual Capital: Realizing Your Company's True Value by Finding Its Hidden Roots. – New York: Harper Collins Publishers, Inc, 225 p.

11. Pakes A., Putnam, J. (1998). How to Count Patents and Value Intellectual Property: The Uses of Patent Renewal and Application Data. The journal of industrial economics, Volume 46, Issue 4, P. 405-432.

12. Sullivan, P. H. Profiting from Intellectual Capital: Extracting Value from Innovation. Canada: John Wiley and Sons, 1998. Inc, 369 p

13. Hägerstrand, T. (1967). Innovation diffusion as a spatial process. Retrieved from <https://www.worldcat.org/title/innovation-diffusion-as-a-spatial-process/oclc/536383>

14. Rogers, Everett M. Diffusion of innovations. 1983. A Division of Macmillan Publishing Co., Inc. 866 Third Avenue, New York, N. Y. 10022. 447 pp

15. Archer, N. P., Ghasemzadeh, F., Brooking, A., Board, P., Jones, S. The Predictive Potential of Intellectual Capital, 1998. Volume 16, Issue 1-3. Pp18-26 (in english)

16. Hall, B. H. Using patent data as indicators. OST Paris - Patents as Indicators, April 2014, 36 p.

17. <https://xs.uz/uzkr/post/gilos-eksporti-buning-ortidan-katta-daromad-olish-mumkin>

18. https://uz.wikipedia.org/wiki/Gilos_yetishtirish_bo%CA%BByicha_davlatlar_ro%CA%BByxati

19. <https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-gilos-etishtirish-bojicha-zahon-etakchilari-qatorida>